

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Султонбоева Мунира Баходировна,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тадқиқотчиси
E-mail: m.sultonboeva@polito.uz

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари чуқур таҳлил этилган. Ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлиги, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция фаолияти, инвестиция фонди, маҳаллий ва хорижий инвестиция, эркин иқтисодий зоналар, инвестициявий фаоллик, қимматли қозғозлар.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий шароитларида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шарт-шароитларидан бири ривожланган молиявий воситачилик тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Чунончи, молиявий воситачилар ссуда капиталининг самарали ҳаракатини таъминлашга, мамлакатдаги инвестициявий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш жуда ўринлидир: “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”[1].

Республикамиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти барқарорлиги инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғланган.

Мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ва номувофиқларни камайтиришда ўзига хос ўринга эга. Бу эса ўз ўрнида, ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳудудларда мавжуд барча ресурслардан фойдаланишни самарали амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга замин яратади.

Ислохотларнинг тадрижийлиги мамлакатимизнинг инвестиция сиёсати миллий иқтисодиётда маълум таркибий ўзгаришлар юз беришига имконият берди, ўз навбатида бозор муносабатлари шаклланишига ижобий таъсир этди ва иқтисодий барқарорлик учун зарурий шарт-шароитларни юзага келтирди.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”[2]да ҳам ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уларни амалга ошириш натижасида минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида инвестицион самарадорликни баҳолаш каби вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда юз бераётган муҳим таркибий ўзгаришлар натижасида нафақат инвестицияларнинг ички манбаларига бўлган, балки бошқа манбаларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, хорижий инвестицияларни юқори ҳажмда жалб этиш билан бирга, маҳаллий инвестициялаш имкониятларини оширишга имкон берувчи инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш муҳим бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, республикамиз ҳудудларининг табиий ресурсларга бойлиги инвестиция муҳитини янада жозибадор қилишга имкон беради. Шу боисдан, мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда инвестицияларни жалб этишни ва уни минтақлар иқтисодиёти ривожланишига кўмаклашиш зарурати туғилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги ўрнини кучайтириш, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, минтақаларнинг ҳудудий салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Профессор Н.Ғ. Каримов томонидан мамлакат ичкариси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва ҳудудларда мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш бўйича изланишлар олиб борилган [3].

И.ф.д. Ш.И. Мустафақуловнинг ишларида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатиши, бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминланиши юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган [4].

Шунингдек, Ш.И. Мустафақулов томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда мазкур фаолиятни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи Д.С. Алматова томонидан минтақаларда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини асослаб бериш ва уларни самарали ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган [5].

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари, инвестиция фондларини ривожлантириш ва бу борада илғор хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш имкониятлари масалалари алоҳида, мустақил илмий тадқиқот

объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу илмий муаммони иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги мазкур мақоланинг мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини статистик гуруҳлаш, таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил, инвестиция фондлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш учун SWOT-таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Республикада инвестиция сиёсатида мамлакатимиз ҳудудларининг мутаносиб ривожланишини ва ҳудудий жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишига эришиш алоҳида ўрин тутди. Сўнгги йилларда ҳудудларнинг инвестицияларни жалб қилишда ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқишда ортда бораётган вилоятларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида экспорт-импорт операциялари ҳажмларида катта фарқланишни юзага келтирмоқда. Жалб қилинган инвестициялар ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм

Ҳудуд, вилоят номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Ўзбекистон Республикаси	12531,9	15338,7	17953,4	22797,3	28694,6	35233,3	41670,5
<i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>	652,4	458,5	890,6	1168,8	2361,9	3917,8	5925,7
<i>Вилоятлар:</i>							
<i>Андижон</i>	445,2	552,5	813,5	1158,2	1287,8	1423,1	1661,0
<i>Бухоро</i>	2443,4	2069,1	1988,7	2277,8	2871,6	3408,3	3866,1
<i>Жиззах</i>	230,2	359,7	468,4	678,5	1012,7	1038,5	1101,1
<i>Қашқадарё</i>	2193,0	1690,4	2107,9	2275,9	3498,8	4483,2	5590,5
<i>Навоий</i>	587,7	1704,6	1368,5	1625,8	1622,6	1653,0	1685,4
<i>Наманган</i>	478,2	540,2	607,7	758,7	1059,3	1618,7	1966,4
<i>Самарқанд</i>	551,4	934,2	1145,2	1383,3	1915,0	2247,8	2854,0
<i>Сурхондарё</i>	511,8	569,8	682,0	845,5	1246,8	1339,5	1633,4
<i>Сирдарё</i>	207,3	383,1	564,7	628,3	804,7	927,2	1000,2
<i>Тошкент</i>	1247,3	1510,4	2094,7	1872,4	2982,9	3741,9	4055,7
<i>Фарғона</i>	663,4	849,1	1151,9	1390,9	1899,7	1998,4	2133,0
<i>Хоразм</i>	219,3	357,6	546,5	700,1	1148,5	1466,5	1343,4
<i>Тошкент шаҳар</i>	2007,7	3309,0	3523,1	5433,1	4977,1	5969,5	6854,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ушбу ҳудудлар жалб қилинган инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига бир қатор тармоқларини модернизация қилди ҳамда замонавий технологиялар киритди ва оқибатда мамлакат экспортида юқори

улушга эга бўлди. Шундай қилиб, мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида мамлакатда ишлаб чиқариш кўламини ошириш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция фаолияти ўзига хос бўлган тенденция билан шаклланимоқда. Хусусан, инвестицияларнинг ривожланиш суръатлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда баъзи ҳудудларда нобарқарор ҳолатларни кузатамиз (2-жадвал). Масалан, Хоразм вилояти бўйича 2014 йилда 2013 йилга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 127,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан бу кўрсаткич 91,6 фоизгача пасайган. Аммо, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари бўйича ўсиш суръатлари жадаллашган. Энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон Республикаси (151,3%), Самарқанд вилояти (127,%) ва Қашқадарё вилояти (124,7%)да кузатилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида

Ҳудуд, вилоят номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Ўзбекистон Республикаси	131,1	122,4	117,9	127,0	125,9	122,8	118,3
<i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>	77,9	70,3	194,2	131,2	202,1	165,9	151,3
<i>Вилоятлар:</i>							
<i>Андижон</i>	121,6	124,1	147,2	142,4	111,2	110,5	116,7
<i>Бухоро</i>	205,1	84,7	96,1	114,5	126,1	118,7	113,4
<i>Жиззах</i>	115,0	156,3	130,2	144,9	149,3	102,5	106,0
<i>Қашқадарё</i>	120,2	77,1	124,7	108,0	153,7	128,1	124,7
<i>Навоий</i>	117,7	290,1	80,3	118,8	99,8	101,9	102,0
<i>Наманган</i>	153,8	113,0	112,5	124,8	139,6	152,8	121,5
<i>Самарқанд</i>	136,6	169,4	122,6	120,8	138,4	117,4	127,0
<i>Сурхондарё</i>	148,6	111,3	119,7	124,0	147,5	107,4	121,9
<i>Сурдарё</i>	134,5	184,8	147,4	111,3	128,1	115,2	107,9
<i>Тошкент</i>	150,7	121,1	138,7	89,4	159,3	125,4	108,4
<i>Фарғона</i>	136,9	128,0	135,7	120,7	136,6	105,2	106,7
<i>Хоразм</i>	119,0	163,1	152,8	128,1	164,0	127,7	91,6
<i>Тошкент шаҳар</i>	104,2	164,9	106,5	154,2	91,6	120,0	114,8

Манба: 1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шундай бўлса-да, инвестиция фаолияти учун йўналтирилаётган хорижий маблағлар улуши ҳудудий иқтисодиётнинг таркибида айрим вилоятлар (Андижон, Жиззах, Навоий, Хоразм)да етарли даражада юқори эмас (3-жадвал).

Инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш хорижий ёки маҳаллий инвестицияларни ҳудудларга жалб этишда кенг чора-тадбирларни амалга оширишни англатади. Бошқача айтганда, инвестиция фаолиятини шакллантиришда инвестиция ва пай фондларидан самарали фойдаланишни ифода этади.

Фикримизча, инвестиция фондларини минтақалар миқёсида ҳам кенг ривожлантириш ва уларни вилоятлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш айти зарур масаладир.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган чет эл инвестициялари, млрд. сўм

Ҳудуд, вилоят номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Ўзбекистон Республикаси	4058,1	4340,8	3853,8	4653,3	5532,7	6980,1	8309,5
Қорақалпоғистон Республикаси	109,8	62,7	131,3	355,9	736,6	1892,4	2899,7
Вилоятлар:							
Андижон	12,1	59,9	65,5	103,2	75,7	101,5	86,0
Бухоро	1905,3	1357,0	1222,6	1212,2	1516,9	1615,7	1463,2
Жиззах	18,7	33,3	36,8	24,8	31,9	71,3	38,0
Қашқадарё	819,4	474,3	438,3	712,8	838,0	919,0	1037,7
Навоий	19,1	439,8	135,6	405,8	384,5	180,7	54,9
Наманган	20,7	30,7	32,3	29,6	82,0	295,7	488,8
Самарқанд	52,9	34,2	56,4	56,4	86,1	85,8	128,0
Сурхондарё	59,2	34,1	57,4	107,7	164,2	183,5	191,5
Сирдарё	30,5	39,0	28,3	17,2	81,7	95,0	116,7
Тошкент	160,8	263,0	368,1	323,6	343,2	437,7	677,6
Фарғона	135,5	114,6	194,8	167,1	251,1	198,9	193,6
Хоразм	11,0	40,7	70,8	74,8	60,8	120,0	40,8
Тошкент шаҳар	643,1	1307,4	1015,6	1062,2	880,0	782,9	893,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Умуман олганда, ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишдан қуйидаги мақсадларни ифодалаш мумкин:

- ҳудуднинг инвестициявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш;
- ҳудуд корхоналарининг фаолиятига замонавий технологияларни ва инновацияларни жорий қилиш;
- ҳудуд маҳаллий бюджетига солиқлар тушумини оширишга шароит яратиш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- ҳудудда жойлашган корхоналар билан хорижий инвестиция компанияларининг ҳамкорлигини кучайтириш.


Инвестиция фондлари қуйидагилар учун шароит яратади:

- лойиҳани амалга ошириш дастлабки босқичида, молиявий ресурслар жалб этиш имкони бўлмаганда инвестиция фаолиятини амалга оширади;
- ҳудуднинг уйғунлашган лойиҳалар мажмуини шакллантиришга шароит яратади;
- мавжуд тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун инновация фаолиятини молиялаштиради.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида республикамиз минтақаларида инвестиция фондларини ташкил этиш механизми қуйидагича бўлиши мумкин,

деб ўйлаймиз (1-расм).

Қайд этиш лозимки, ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳудудий молия институтларининг ҳамкорлиги айти муҳим мезон бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, минтақавий иқтисодийнинг инвестиция дастурларини шакллантиришда инвестициялаш ҳамкорлигини кўзда тутувчи лойиҳаларнинг ҳажмини ошириш лозим. Инвестиция фондларини ташкил этган ҳолда бу каби лойиҳаларни молиялаштириш эса айти кўп томонлама манфаатдорлик нуқтаи назаридан ўз натижасини беради. 1-расмда акс эттирилган механизмда давлат маблағларидан инвестиция фондлари ташкил этиш кўрсатилган.



1-расм. Ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этиш механизми

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу борада, давлат ва ҳудудий компаниялар молиявий ҳамкорлиги асосий субъектлар сифатида қаралган. Шу боисдан, ҳудудий инвестиция фондларини шакллантиришда инвестиция фондларига ҳудудий компанияларни жалб этишда танлов мезонларига эътиборни қаратиш муҳимдир.

Мамлакатимиз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши билан ҳудудларда инвестиция фондларини шакллантиришнинг муҳим босқичи юзага келмоқда. Улар учун яратилган бир қатор имкониятлар эса шулар жумласидандир (4-жадвал).

2008-2009 йилларда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси (“Навоий” ЭИИЗ) Навоий шаҳрининг модернизация қилинган ҳалқаро аэропорти қошида ташкил қилинди. Ушбу ЭИИЗнинг ташкил этилиши республикаимизда

инкирозга қарши чораларидан бири сифатида баҳолашимиз мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарда амал қиладиган имтиёзлар

Имтиёзлар	“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси	“Ангрен” махсус индустриал зонаси, “Жиззах” махсус индустриал зонаси
Солиқ ва мажбурий тўлов имтиёзлари	Зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади	Зона қатнашчилари фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлаш-дан озод этилади
Инвестиция миқдориغا қараб имтиёзларнинг амал қилиш муддати	3 млн. евродан 10 млн. еврогача – 7 йил; 10 млн. евродан 30 млн. еврогача – 10 йил, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; 30 млн. евродан ортиқ бўлганда – 15 йил, кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади	– 300 мингдан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил; – 3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил; – 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил
Божхона имтиёзлари	Зонада фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳ-сулот ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади	Зона ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқла-надиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли ““Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”, 2013 йил 18 март, ПФ-4516-сонли ““Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармонлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сонли Фармони асосида ушбу ислохотлар амалга оширилмоқда [6]. Бу эса, кейинги 30 йил давомида фаолият олиб борувчи (муддатни узайтириш имконияти билан) ЭИИЗнинг ривожланишига замин ҳозирлади. Бундан кўзланган мақсад, халқаро инвесторларнинг сармояларини жалб қилиш ва келажақда жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўладиган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан белгиланди.

Тадқиқотлар асосида Навоий вилоятида ташкил этилган илк ЭИИЗнинг шаклланишига сабаб бўлган омиллар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Оптимал транспорт инфратузилмаси ва Навоий шаҳрининг Хитой ҳамда

Европа ўртасидаги амалга ошувчи савдо муносабатларининг транспорт йўлларидаги чорраҳасида жойлашганлиги.

2. Бир пайтнинг ўзида юк самолётларини қабул қилишни мўлжаллаб модернизация қилинган Навоий шаҳри аэропортининг салоҳияти.

3. Хом ашё салоҳияти.

4. ЭИИЗнинг жойлашган географик нуқтаси мамлакатимизнинг марказий жойи эканлиги ва бу билан қўшни давлатларгача бўлган масофаларнинг бир хиллигининг таъминланиши.

“Ангрен” махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони асосида амалга оширилмоқда [7]. Ушбу махсус зона томонидан чет эл ва маҳаллий инвесторлар бизнесига тақдим этилаётган қулай шароитлар ва кенг имкониятлар замонавий юқори технологик ва рақобатбардош ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун барча зарур шарт-шароитлар билан таъминламоқда. Ушбу янги саноат зонаси яқинда ташкил этилган бўлсада, бир қанча йирик компаниялар бу ерда фаолият олиб бориш тўғрисида шартнома тузган. Масалан, 1000 тонна/сутка ишлаб чиқариш қувватига эга шакар чиқарувчи корхонаси қурилиб ишга туширилди. Бу корхона Ўзбекистон томонидан яратилишида “Welton International Enterprises Pte. Ltd.”, “Kito Investment Pte. Ltd.” Сингапур компаниялари ва “Seid Nandelsgesellschaft M.B.H.” америкали компанияси шерик бўлганлар.

“Жиззах” махсус индустриал зонаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2013 йил 18 март, ПФ-4516-сонли ““Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этила бошланган [8].

“Жиззах” махсус индустриал зонаси Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум доирасида амалий қадам ҳисобланади.

Шунингдек, Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ресурсларидан комплекс ва самарали фойдаланишга ҳамда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга мўлжалланган.

“Жиззах” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

– ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;


– махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

– махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини

ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

– “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишда давлат ва хусусий сектор маблағларининг интеграцияси билан бирга аҳоли пул маблағларини жалб этиш орқали соҳани ривожлантириш зарурдир. Бу борада, бир неча босқичларни эътиборга олиб фаолиятни амалга ошириш лозим (2-расм).



2-расм. Инвестицияларни жалб қилиш модели

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳудуднинг молиявий инфратузилмаси институционал нуқтаи назардан минтақанинг молия институтлари сифатида инвестициявий фаолликни оширувчи марказий бўғин ҳисобланади. Шу боисдан, институционал ўзгаришларни амалга оширишда унинг ҳуқуқий асосларини ҳам параллел такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса ўз ичига давлат, банк ва нобанк молия институтларининг фаолиятини қамраб олади. Ушбу омиллар иқтисодиётнинг ривожланишида муҳимлиги билан алоҳида ажралиб туради. Аммо, амалий ва молиявий фаолликни ривожлантириш эса молия институтларининг сонини кўпайтириш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишни тақозо этади. Бу бир томондан инвестициявий жозибадорликни мустаҳкамласа, иккинчи томондан молия институтлари шаклланишига янгича ёндашувни талаб этади.

Шу билан бирга, аҳолининг молиявий аҳволи молиявий ресурсларни инвестиция фондларининг маблағи сифатида шаклланиши учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Бу жараёнда молия институтларининг

фаолияти муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция фондларини шакллантиришда унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу борада эса, инвестиция фондларининг шаклланишида ҳар томонлама омилларни ўзида қамраб олган таҳлилни амалга ошириш муҳимдир. Биз ушбу фаолиятни SWOT таҳлили орқали янада аниқроқ кўришимиз мумкин (5-жадвал).


5-жадвал

Инвестиция фондлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштиришнинг SWOT-таҳлили

Кучли томонлари (Strongness)	Кучсиз томонлари (Weakness)
<ul style="list-style-type: none"> – маблағларнинг қайтмаслиги; – барча лойиҳаларни бир пайтда молиялаштириш имконияти; – давлат ва компаниялар ўртасида хавф-хатарнинг тақсимланиши; – давлат ва компаниялар ўртасида фойданинг адолатли тақсимланиши; – хусусий секторда аҳоли ва давлат маблағларининг жамланиши ва манфаатларнинг бирлашиши; – ҳудудий лойиҳаларни мустақил молиялаштириш имкониятини вужудга келиши; – хусусий секторнинг йириклашувига замин яратилиши 	<ul style="list-style-type: none"> – ҳудудий жамғарма фондларни шакллантиришда ҳукукий меъёрий асосларнинг йўқлиги; – ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгилловчи мезоннинг мавжуд эмаслиги; – маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳукукий асослари мавжуд эмаслиги; – танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларининг белгиланмаганлиги; – лойиҳаларни баҳолашда субъектив кўрсаткичларнинг инобатга олиниши; – давлат маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда ортиқча ҳужжатларни талаб этиш ҳолатлари; – давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муддатларининг қисқалиги; – инвесторларда фонднинг имкониятлари тўғрисидаги ахборотнинг камлиги
Имкониятлари (Opportunity)	Таъсирлар (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> – давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини юзага келиши; – давлат маблағларини индексация қилиш имконияти туғилиши; – ҳудудий инвестиция фондларини шакллантиришга замин яратилиши 	<ul style="list-style-type: none"> – олинган молиявий мажбуриятларни бажарилмаслигига таъсирлар; – ўз вақтида молиялаштирилмаслигига таъсирлар; – белгиланган меъёрлар асосида лойиҳаларни танлаб олишга бўлган таъсирлар

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу эса ўз навбатида, инвестиция фондларининг ташкил этилиши назарда тутувчи фаолиятни ривожлантиришни билдиради. Ҳудудларда молия институтлари ривожланган ҳолати ва натижада инвестиция фондлари шаклланишига замин яратилади. Биз инвестиция фондлари ривожланган ҳудуд моделини 4-расмда янада аниқроқ кўрамиз.



3-расм. Инвестиция-инфраструктуралар ривожланган ҳудуд модели

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида инвестиция фондларини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- ҳудудий жамғарма фондларни шакллантиришда ҳуқуқий меъёрий асосларини яратиш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб жорий этиш;
- маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий қилиш;
- танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларини белгилаш;
- давлат маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда талаб этилувчи аниқ ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муддатларининг қисқалиги;
- инвесторларда фонднинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот шаффофлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 57-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. Т.: 7.02.2017 й.
3. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари: монография. – Т.: 2007 й., —Fan va texnologiya, 240 б.
4. Мустафақулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.
5. Алматова Д.С. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари. Монография. –Т.: «Ношир», 2013. 194 б.
6. Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрь, ПҚ-475-сон Қарори.
7. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрел, ПФ-4434-сон Фармони.
8. “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрел, ПФ-4436-сон Фармони.